

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1487-ҳадис

1487 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ أَكْثَرَ دُعَاءِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ؛ آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً، وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً، وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6389، م 2690].

زَادَ مُسْلِمٌ فِي رَوَاتِهِ قَالَ: كَانَ أَنَسٌ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَدْعُوَ بِدَعْوَةِ دَعَا بِهَا، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَدْعُوَ بِدَعَا دَعَا بِهَا فِيهِ.

1487. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг энг кўп қиладиган дуолари «Аллоҳумма, аатинаа фид-дуня ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ʻазаабан-наар» эди».

(Маъноси: Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилгин ва бизни дўзах азобидан сақлагин!

Муттафақун алайҳ.

Муслимнинг ривоятида: « Анас битта дуо қилмоқчи бўлса ҳам шу дуони қиларди, кўп дуо қилмоқчи бўлса ҳам дуоларининг ичида шу дуо бўларди», зиёда қилинган.

Шарҳ: Бу дуо мусулмонларнинг дуоси бўлиб, улар Аллоҳ таолодан икки дунёнинг яхшилигини сўрайдилар. Динсизларга ўхшаб, фақат бу дунёнинг ҳою ҳавасини сўрамайдилар ёки баъзи тоифаларга ўхшаб, фақат охиратни ўйлаб, бу дунёни эсдан чиқармайдилар.

Бу дуода юксак одоб ҳам ёрқин кўриниб турибди. Сўраладиган нарсани

тайин қилиб номини айтмасдан, умуман «яхшилик» деб айтилмоқда. Аллоҳ таолонинг Ўзи яхшиликнинг нималигини яхши билади.

Имом Ибн Касир: «Ушбу дуо дунёдаги барча яхшиликларни ўзида жамлаб, ёмонликларни четлатган», деганлар.

Ибн Мурдавайҳ Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам:

«(Байтуллоҳнинг) бурчагидан ҳар ўтганимда «Омин» деб турган фариштани кўрдим. Унинг ёнидан ўтсангиз «Роббана атина фиддуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина азабан-нар» дуосини ўқинглар», деганлар.

Ибн Абу хотим Абу Толутдан қилган ривоятда:

«Анас ибн Молик ҳузурда эдик. Собит у кишига:

«Биродарларингиз дуо қилишингизни сўрашяпти», деди. Анас ибн Молик «Роббана, атина...» (дуоси)ни ўқидилар. Бир муддат гаплашиб ўтирдилар. Туришмоқчи бўлишганда:

«Эй Абу ҳамза, биродарларингиз туришмоқчи, уларни бир дуо қилсангиз, деди.

Шунда Анас ибн Молик:

«Сизларга ишларни майдалаб беришимни хоҳлайсизми?! Агар Аллоҳ сизга бу дунё ва охиратнинг яхшилигини бериб, дўзахнинг азобидан сақласа, яхшиликнинг ҳаммасини берган бўлади-ку», дедилар.

Манба: hadis.islom.uz

